12.10.2015й.
5-2442

**Хоразм вилояти хокими ўринбосари ______ Р.Рўзметов**
**"___" октябрь 2015йил**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 18.05.2011 йилдаги 139-сонли қарори бажарилиши юзасидан Хоразм вилоятида 2015 йил 4-чоракда амалга ошириладиган ишлар бўйича чора тадбирлар.

| т/р | Бажариладиган тадбирлар номи | Бажариш муддати | Бажариш учун маъсул | Изох |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Вазирлар Махкамасининг «Йуналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 18.05.2011 йилдаги 139-сонли қарори бўйича йўналишсиз таксиларда тўлиқ хужжатлар бўлишини назорат қилиш. | 2015 йилда октябрь-декабрь ойларида | Вилоят ИИБ ЙХХБ, ДСИ ва Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Хоразм вилоят бўлими. | |
| 2 | Қўшма рейдларда йўналишсиз таксиларда автотранспорт воситасининг тепасига ўрнатилган тўқ сариқ рангли фонарга «TAXI» таниш белгисини ўрнатилганлиги, шахмат тартибида жойлаштирилган қора квадратлардан иборат бўлган композиция ва автотранспорт воситасининг олдинги эшикларидаги «Т» ҳарфлари автотранспорт воситасининг олдинги эшикларидаги юридик шахс – ташувчининг номи, йўналишсиз тақсиларни ички маълумотлар билан жиҳозланиши яъни олд ойнанинг юқоридаги ўнг бурчагига жойлаштирилган яшил рангли ёритиш чироғи мавжудлиги, автотранспорт воситасининг давлат рақами белгиси ҳайдовчининг фамилияси, исми, отасининг исми ва фотосурати, иш вақтининг бошланиши ва тугаши, йўлкира қиймати (сўмларда), ташувчининг манзили ва телефон рақами, лицензия қарточкасининг рақами ва амал қилиш муддати тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек мажбурий суғурта қилинганлик ҳақидаги маълумот кўрсатилган маълумотлар табличкаси мавжудлиги, ҳисоблагич (таксометр), радиоалоқа воситаси.соз ҳолатдаги пломбаланган спидометр жиҳозларининг, белгиланган тартибда давлат солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтказилган назорат-касса машинасининг, шунингдек тўловларни банк | 2015 йилда октябрь-декабрь ойларида | Вилоят ИИБ ЙХХБ, ДСИ ва Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Хоразм вилоят бўлими. | |
| 3 | Йўналишсиз таксилар техник ҳолати ва асбоб-ускуналарининг ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ташқи ва ички маълумотларга эга бўлиш талабларига мувофиқлигини назорат қилиш, лицензия варақаси билан таъминланганлиги бўйича мунтазам равишдаги қўшма рейд текширувларини кучайтириш.Қўшма рейд текширувларида видео тасвирларга тушириш чоралари кўрилсин. | 2015 йилда октябрь-декабрь ойларида | Вилоят ИИБ ЙХХБ, ДСИ ва Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Хоразм вилоят бўлими. | |
| 4 | Йўналишсиз тақсилар учун махсус тўхташ жойларининг етарли бўлишини таъминлаш мақсадида таксиларнинг ҳақиқий сонини ўрганиб чиққан ҳолда, Урганч шахар ва туманлар хокимларининг 1-ўринбосарлари томонидан махсус жихозланган тўхташ жойларини қарор талаблари бўйича жихозлаш, фойдаланиш ва уларнинг сақланиши бўйича маъсул шахсларни белгилаш. | 2015 йил 10 ноябргача | Урганч шаҳар ва туманлар хокимларининг 1-ўринбосар-лари | |
| 5 | Мазкур чора тадбирнинг бажарилиши юзасидан маълумотларни хар 10 кунда вилоят хокимлигига тақдим қилиб бориш. | хар 10 кунда бир маротаба | Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Хоразм вилоят бўлими. | |

Вилоят ЙХХБ бошлиғи полковник Р.Юнусметов

Вилоят ДСБ бошлиғи Ж.Темуров

"Ўзавтодарётранс" агентлиги Хоразм вилоят бўлими бошлиғи в.в.б Д.Якубов